Стратегик ва минтақалараро ... кутубхонаси ... тадқиқотлар институти

2007 ЙИЛ, 9 НОЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ — № 216 (11.025) — Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**



**СУРАТДА: «Асбобсоз» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқаришда асосий эътиборни сифатга қаратгани боис, корхона маҳсулотларининг кўп қисми экспорт қилинмоқда. Касб-маҳоратли ишчиларга эса замонавий дастгоҳ ва ускуналар ҳақиқий мададкор бўлмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

## Қисқа сатрларда

●**КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётидаги ўрни масаласига бағишлаб ўтказилган тадбирда Тошкент Хизмат кўрсатиш ва сервис коллежи ўқувчилари, ўқитувчилари ҳамда «Қишлоқ ҳаёти» газетаси ижодий ходимлари иштирок этишди.

●**КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида уюштирилган тадбирда инсон саломатлигини асрашда тиббиёт ходимларининг хизмати беқиёс эканлиги таъкидлаб ўтилди.

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Қуёшча» тасвирий санъат студиясининг «Менинг уйим, менинг шаҳрим» мавзуида расмлар кўрик-танлови уюштирилди. Ушбу тадбир уч кун давом этади.

●**КЕЧА** шаҳримизда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан шифокорлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман эндокринологиянинг долзарб муаммоларига бағишланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## БАНК ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ БАНК АЙЛАНМАСИГА ЖАЛБ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, мустақиллик йиллари мобайнида банк тизимини изчил ва аниқ мақсад йўлида ислоҳ қилиш банкларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини кучайтиришга, уларнинг капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш кўламларини кенгайтиришга ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилашга имконият яратди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмлари ошиб бормоқда, аҳолига, шу жумладан ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари бериш миқёслари тобора кенгаймоқда.

Ҳозирги вақтда тижорат банклари активлари ва жами капиталининг ҳажмлари 2000 йилга нисбатан тегишли равишда 7,6 ва 7,4 баравар кўпайди. Аҳолининг омонат қўйилмалари ҳажми 38 баравар, банк кассаларига нақд пул маблағларининг тушумлари – 8,1 баравар, иқтисодиётнинг реал секторига кредит қўйилмалари – 5 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, тижорат банклари ҳамон самарали инвестиция марказларига айлангани йўқ, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашда ўз капитали билан суст қатнашмоқда. Банкларнинг капиталлашув даражасини кескин ошириш, банк тизими барқарорлиги, ишончли пул муомаласи, банклар томонидан нақд маблағлар тўсиқсиз ва тўлиқ берилиши кафолатларини яратиш вазифалари долзарблигича қолмоқда.

Марказий банк ва тижорат банклари, солиқ органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан банкдан ташқари айланмани қисқартириш ҳамда нақд пулларни банк кассаларига жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар етарли даражада эмас.

Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, тижорат банкларининг рақобатдошлиги, молиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш, банкдан ташқари айланмани камайтириш, жумладан озиқ-овқат (деҳқон) бозорларидаги нақд пулларни банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Банклари уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ;

*(Давоми 2-бетда).*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## А.АТОЕВНИ «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бокс бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Аббос Абдураззоқович Атоев "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 8 ноябрь*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## О.МУҲАМЕДОВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, боксни тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали боксчиларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Бухоро вилояти Олимпия захиралари спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси Олим Музафарович Муҳамедовга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 8 ноябрь*

## ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН ЗАМИНИ АЗАЛ-АЗАЛДАН БУЮК ОЛИМЛАРУ ФОЗИЛЛАР, МАРД, ЖАСУР, МАТОНАТЛИ ИНСОНЛАРГА БЕШИК БЎЛГАН. ВАТАНИМИЗ ИСТИҚЛОЛИ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР ТУФАЙЛИ БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ШОН-ШУҲРАТИГА МУНОСИБ, ИСТЕЪДОДЛИ, КУЧ-ҚУДРАТДА ТЕНГСИЗ АВЛОД ВОЯГА ЕТМОҚДА. ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚОН-ҚОНИГА СИНГИБ КЕТГАН ЛАФЗИ ҲАЛОЛЛИК, АЗМУ ШИЖОАТ ЖАҲОНАРО ТОБОРА БАЛАНДРОҚ БЎЙ КЎРСАТМОҚДА.**

Шу йилнинг 23 октябрь-3 ноябрь кунлари Чикаго шаҳрида (АҚШ) ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан келган олти юз нафардан зиёд боксчи рингга чиқди. Жаҳон чемпионлиги унвони ва келаси йили Пекин шаҳрида бўладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини берадиган ушбу чемпионатнинг аҳамияти унинг нуфузидан ҳам маълум. Мазкур мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган ўзбек ўғлони - Аббос Атоев жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

*(Давоми 3-бетда).*

*23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

**КУНИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОДЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши участка сайлов комиссиялари таркибига таклиф этилаётган номзодларни муҳокама қилиб, 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этиш ваколатига эга.

Эслатиб ўтиш жоизки, 2-Тошкент шаҳар округ комиссияси қарорига асосан пойтахт ҳудудида 653 та сайлов участкаси ташкил этилган бўлиб, бу борада аввалambор сайловчилар манфаатлари инобатга олиниб, уларга қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир туман, маҳалла чегаралари ҳисобга олинган.

Яхши маълумки, сайлов участкаларида иш бевосита комиссиялар томонидан юритилади. Участка комиссиялари тегишли қонуннинг 17-моддасига биноан сайловга камида қирқ кун қолганида ташкил этилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, участка комиссия аъзолари сайловга оид, тегишли қонунчиликка оид ҳар бир масалада тўғри, холисона фикр юрита олишлари керак.

*(Давоми 2-бетда).*

## ЁШЛАР ВА САЙЛОВ МАДАНИЯТИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДЕМОКРАТИК, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ БОРАСИДА УЛКАН АҲАМИЯТГА ЭГА МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА — ШУ ЙИЛ 23 ДЕКАБРДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА 16 МИЛЛИОН 297 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД САЙЛОВЧИ ИШТИРОК ЭТИШИ КУТИЛМОҚДА. УЛАРНИНГ МУАЙЯН ҚИСМИНИ САЙЛОВЛАРДА ИЛК БОР ОВОЗ БЕРАДИГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ МИРЗОУЛУҒБЕК АБДУСАЛОМОВ 8 НОЯБРЬ КУНИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИДА АНА ШУНДАЙ САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Ушбу учрашувдан асосий мақсад ёшларнинг сайлов қонунчилиги ҳақидаги билимини ошириш ва уларнинг жамиятда кечаётган демократик ўзгаришлар жараёнида фуқаролик позициясини янада кучайтиришдан иборат.

Мамлакатимиз, халқимиз олдида турган олий мақсадларга эришиш, Ватанимиз келажаги, аввало, ёшларимизга, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Бугун ёшлар республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Шу муносабат билан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини, жамият ва давлат қурилишида, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини тўла таъминлаш борасида зарур ҳуқуқий асослар яратилди.

Конституциямизнинг 117-моддасига мувофиқ давлатимиз раҳбарини сайлашда ўн саккиз ёшга тўлган барча фуқаролар иштирок этиш ҳуқуқига эга. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 2 миллионга яқин йигит ва қиз бундай ҳуқуқдан илк бор фойдаланадилар. Шу муносабат билан, учрашувда таъкидланганидек, сайловчиларнинг, хусусан ёшларнинг сайлов тўғрисидаги билим даражасини ошириш масаласи Марказий сайлов комиссиясининг ҳамиша диққат-эътиборидадир. Оммавий ахборот воситаларида миллий сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳияти, сайловни ўтказиш тартиби атрофлича тушунтирилмоқда, сайлов комиссияларининг иши кенг ёритилмоқда.

Учрашувда истиқлол йилларида фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишлари учун Ўзбекистонда барча зарур шарт-шароитлар яратилгани таъкидланди. Сайлов — замонавий демократиянинг муҳим институти. У халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, давлатни бошқаришда ҳамда давлат ҳокимиятини шакллантиришда шахсан иштирок этишининг асосий воситасига айланиб бормоқда. Айнан шунинг учун ҳам бўлажак сиёсий тадбирнинг жамиятимиз сиёсий ҳаётида аҳамияти беқиёсдир.

Учрашувда Марказий сайлов комиссиясининг Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошираётган ишлари ҳақида сўз борди. Маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига биноан мамлакатимизда сайлов мунтазам асосда фаолият кўрсатадиган Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида мустақил сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади ва ўтказилади. Комиссия фаолияти қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик ва адолат тамойилларига асосланади. Мақсад - сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашиш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашдир.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

●**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг кеча Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган сайёр мажлиси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда қўшилган Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияси қоидаларини миллий қонун ҳужжатларига сингдириш масалаларига бағишланди.**

●**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 7-8 ноябрь кунлари навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

●**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари, таълим масканлари, меҳнат жамоаларида ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ойлиги бошланди.**

●**Фарғона вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида янги ахборот-ресурс маркази ташкил этилди.**

●**Тошкентда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамкорлигида миллий дизайн истиқболига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.**

●**Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида узлуксиз экологик таълимни такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

●**Андижон вилоятида 79 та аҳоли пунктининг ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланди. Жорий йилнинг 9 ойида барча маблағлар ҳисобига 29,6 километр табиий газ, 121,7 километр узунликда ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди.**

●**«Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компаниясига қарашли Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси яқинда Қоракўл тумани ҳудудида янги газ конденсати конини очди.**

●**Самарқандда «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти тизимидаги алоқа бўлимлари ходимлари ўртасида «Энг яхши почта хизматчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.**

●**Шу йилнинг ўтган даврида «Урганч ёғ» очиқ акциядорлик жамияти томонидан 11 минг 400 тоннага яқин ўсимлик ёғи, хўжалик совуни ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб истеъмолчиларга етказиб берилди.**

### ЖАҲОНДА

●**Кеча Грузия Президенти Михаил Саакашвили мамлакат телевидениеси орқали чиқиш қилиб, тинчликни сақлаш мақсадида муддатидан бир йил олдин, яъни 2008 йил 5 январда президент сайловлари бўлиб ўтиши, шунингдек, ўтган куни эълон қилинган фавқулодда ҳолатнинг тез кунларда бекор қилинишини таъкидлади.**

●**Мьянмадаги ҳарбий хунта БМТ махсус вакили Иброҳим Гамбарининг уч томонлама, яъни мухолифат иштирокида музокаралар ўтказиш тўғрисидаги таклифини рад этди.**

●**Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги федерал суд Россия фуқароси, хатога йўл қўйган самолёт диспетчерини ҳалок этган Виталий Калоевни муддатидан олдин озодликка чиқариш тўғрисида ҳукм чиқарди. Калоев бир ҳафтадан сўнг юртига қайтиб бориши мумкин.**

●**Жанубий Америка Республикасининг «Nationwide» авиакомпаниясига қарашли «Boeing 737» йўловчи самолёти Кейптаун аэропортида двигателлардан бирида чиққан носозлик туфайли қўнишга мажбур бўлди. Самолёт бортидаги 106 нафар йўловчининг ҳеч бири жабрланмаган.**

●**Таълим учун тўловни камайтириш ҳамда университет мухторияти тўғрисидаги қонуннинг бекор қилиниши ниятида бўлган юзлаб талабалар норозилик намойишига чиқиб Париждаги Европа мамлакатларига тезюрар поездлар қатнайдиган Шимолий вокзални ёпиб қўйди.**

●**Кеча Бирлашган Араб Амирликлари марказий қисмида бунёд этилаётган улкан кўприкнинг тўсатдан қулаб тушиши натижасида 7 киши ҳаётдан кўз юмди, 15 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳодиса сабаблари ўрганилмоқда.**

●**Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича комиссари Хавьер Солана Мадридда Эроннинг ядро дастури билан боғлиқ масалага ечим топиш юзасидан таклиф билан чиқди. У расмий Теҳронга нисбатан ишончсизликни бартараф этиш мақсадида уранни бойитиш халқаро марказини ташкил қилиш фикрини ўртага ташлади.**

●**Италияда ўқув машқини ўтказаётган АҚШ ҳарбий базасига тегишли «Блэк Хоук» вертолётининг ҳалокатга учраши натижасида 5 киши ҳаётдан кўз юмди, 6 нафар экипаж аъзоси яраланди.**

●**Европа Иттифоқи Ички ишлар вазирлари Шенген ҳудудини кенгайтириш тўғрисидаги лойиҳани маъқулладилар.**

●**Ироқдаги Америка қамоқхонасидан 500 нафар маҳбус озодликка чиқарилди. АҚШнинг ҳарбий қўмондонлиги вакилининг билдиришича, бундай қадам мамлакатдаги зўравонликларни бартараф этилишига ҳамда икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига туртки беради.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

# БАНК ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ БАНК АЙЛАНМАСИГА ЖАЛБ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Бўш пул маблағларини банк айланмасига янада жалб қилиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ўсишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар, тижорат банклари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларида назарда тутилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш бўйича ушбу чора-тадбирларнинг бажарилишини ҳар чоракда ўз мажлисларида кўриб борсин.

2. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдорини белгилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

тижорат банклари учун – сўм эквивалентида 5 млн. евро миқдорида;

хусусий банклар учун – сўм эквивалентида 2,5 млн. евро миқдорида.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2008 йил мобайнида тижорат ва хусусий банкларнинг устав капиталларини кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқлаштириш тадбирларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда амалга оширишни таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, банк фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир. Бунда тижорат банклари томонидан мазкур фаолият турларини амалга оширишга алоҳида лицензия олиш талаб қилинмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва суғурта компанияларига бир ой муддатда қуйидагилар бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилсин:

банк муассасалари, шу жумладан мини-банклар, махсус кассалар, валюта айирбошлаш шохобчалари тармоқларини озиқ-овқат (деҳқон) бозорлари ҳудудларида жойлаштирган ҳолда кенгайтириш ҳамда дам олиш ва байрам кунларида белгиланган тартибда ишлашини мажбурий таъминлаш;

озиқ-овқат (деҳқон) бозорларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жамғарма ҳамда муддатли депозитларга, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушадиган бўш пул маблағларни омонатчиларга маблағ сақланадиган ҳар бир куни учун фоизли даромад қўшган ҳолда вақтинча сақлашга жалб этиш;

деҳқон хўжаликлари, савдо-харид фирмалари ва бошқа кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш ва микромолия, шунингдек озиқ-овқат (деҳқон) бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурталаш бўйича хизмат кўрсатиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки ва тижорат банклари бир ой муддатда ҳудудлар доирасида ҳар бир тушум манбалари бўйича пул оқимининг ўзгариши, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини тўлиқ топширгани ва топширишдан бўйин товлагани тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топиши таъминланган тезкор ахборотни кундалик айирбошлашнинг умумреспублика ягона электрон тармоғини жорий этсин.

6. Қуйидагилар 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб 3 йил муддатга:

юридик шахсларнинг тижорат банкларининг депозитларига ва қарз қимматли қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинган фоизли даромадлари солиқ солишдан;

Республика инкассация бирлашмаси – бўшайдиган маблағларни инкассация хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтириш шарти билан қўшилган қиймат солиғи ва мулк солиғи тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 7 ноябрь*

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Сессияда бу борада номзодлар тегишли мезонларга мувофиқ танланган. Даставвал участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғилишларида белгиланган тартибда муҳокама қилинган. Маҳалланинг бу борадаги ваколати қонунчиликда кўзда тутилган бўлиб, хусусан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига кўра амалга оширилган.

Кейинги босқичда эса ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 653 та сайлов участкаси бўйича тавсия этилаётган 9233 нафар номзод халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари қўшма йиғилишларида ҳам кўриб чиқилиб, сўнг сессия кун тартибига киритилди.

Сессияда участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантиришда жойларда 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган механизм тўлиқ жорий этилгани қайд этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳар бир участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни танлашда асосан уларнинг жамоатчилик ва меҳнат фаолиятлари, ижтимоий-сиёсий масалалардан воқифлигига эътибор қаратилган. Комиссия таркибига маҳалла ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот, муассасалар вакиллари таклиф этилган. Номзодлар орасида фуқаролар йиғини аъзолари ҳамда маҳалла фаоллари ҳам кўп. Ҳар бир участка бўйича ўртача 15 нафардан номзод таклиф этилмоқда.

Ҳар бир участка сайлов комиссиясининг таркиби 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси қарори асосида тасдиқланади.

Сайлов кампаниясининг айни пайтдаги босқичидан то унинг якун топгунига қадар амалга ошириладиган асосий ишлар масъулияти юклатилаётган участка комиссиясининг самарали фаолияти, шубҳасиз, унинг ҳар бир аъзосининг том маънода фаоллигига боғлиқдир. Шу билан бирга сайлов участкалари жойлашган манзилларнинг қулайлиги, комиссия фаолият юритадиган хоналарда яратилган шарт-шароитлар ҳам муҳим аҳамият касб этади ва бу борадаги вазифа қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда туман ҳокимликлари зиммасидадир. Сессияда ушбу масалага алоҳида урғу бериб ўтилди, шунингдек депутатларга ҳам ўз ваколатлари доирасида участка комиссияларига тегишли амалий ёрдам кўрсатиш тавсия этилди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНГА МУВОФИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ОЛИЙ ОРГАНЛАРИ, САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИ ЙИҒИЛИШИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАДИ.**

**ТОШКЕНТДА 8 НОЯБРЬ КУНИ САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН МАЗКУР САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

# САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлиши, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида катта аҳамият касб этиши таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчилар ташаббускор гуруҳига бирлашган, тақдим этган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар дастурини қўллаб-қувватловчи фуқаролар томонидан бевосита кўрсатилган номзоднинг иштирок этиши миллий сайлов тизимимиз демократлашганининг ёрқин далолати, фуқароларимиз ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганлигининг муҳим омилидир.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидовнинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

# ЁШЛАР ВА САЙЛОВ МАДАНИЯТИ

Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 21 сентябрдан эътиборан бошланишини эълон қилди. М.Абдусаломов Марказий сайлов комиссияси Ҳаракат дастурида белгиланган ишларнинг ташкилий-тайёргарлик босқичи айни вақтда деярли якунига етгани ва эндиликда сайловолди кампаниясининг асосий тадбирлари босқичи бошланаётганига эътиборни қаратди. Мазкур Қонуннинг 9, 11 ва 15-моддаларига мувофиқ 14 та сайлов округи ва округ сайлов комиссиялари ҳамда 8 мингдан зиёд сайлов участкалари тузилди. Сайлов округларининг жойлашган манзили, сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилинди. Ҳозирги кунда участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантириш жараёни давом этмоқда, уларнинг рўйхати ҳам матбуотда эълон қилинади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг $24^2$-моддасига асосан номзодлар кўрсатиш жараёни тугалланаяпти. Сайлов кампаниясининг навбатдаги босқичида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқади. Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддасига асосан рўйхатга олинган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни 23 ноябргача эълон қилади.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига асосан сайловолди ташвиқоти бошланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, сайловолди ташвиқотини ўтказишда, сайловолди дастурлари билан чиқишда, уларни эълон қилишда тенг ҳуқуқ берилади.

Сайловнинг ошкора ва очиқ ўтишини таъминлаш Марказий сайлов комиссиясининг биринчи даражадаги вазифасидир. Сайлов комиссиялари мажлислари ва тадбирларининг барчаси оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилмоқда ва уларда кўриб чиқилаётган масалалар ҳақидаги ахборотлар сайловчиларга етказилмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази ва округ сайлов комиссияларининг матбуот хизматлари фаолият кўрсатмоқда.

Учрашув иштирокчиларига Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини тезкор ва тўла ёритишга оид битим имзолангани маълум қилинди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнлари ҳақидаги хабарлар нафақат Ўзбекистон ҳудудига, балки сунъий йўлдош орқали юздан ортиқ хорижий давлатга ҳам узатилмоқда.

М.Абдусаломов қайд этганидек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг миллий сайлов қонунчилигимиз ва халқаро андозалар асосида ўтиши учун барча зарур чораларни кўрмоқда. Шу мақсадда, жумладан, округ сайлов комиссияларининг раислари, котиблари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Учрашув қизғин мулоқот руҳида ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси, жумладан, учрашув қатнашчиларининг сайлов тамойиллари, сайлов жараёнида ёшларнинг иштироки, сайлов куни овоз бериш шакли ва тартиби ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар даврида ўтаётган сайлов жараёнининг бошқа жиҳатлари тўғрисидаги кўплаб саволларига батафсил жавоб қайтарди.

- Учрашув менда жуда яхши таассурот қолдирди, - дейди ёш дастурловчи Равшан Муродов мулоқот тугаши билан берган интервьюсида. – Бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистон дунё ахборот жамиятига дадил кириб келди. Эндиликда ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу тизимдан сайлов кампанияси жараёнларида самарали фойдаланилаётгани, хусусан, Марказий сайлов комиссияси веб-сайтидан сайловга доир тегишли маълумотларни ўз вақтида ва ҳеч қандай қийинчиликларсиз олиш имконияти сайловчилар учун яратилган яна бир қулайликдир.

- Ушбу учрашув юртимизда ёшларга катта эътибор берилаётганлигининг яна бир тасдиғидир, - дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Малика Раҳмонбекова. – Мулоқот чоғида сайлов ёшлар учун демократия мактаби эканлиги, навқирон авлоднинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ривожлантиришда сайловларнинг аҳамияти катта эканлиги ҳақидаги тасаввурларим янада бойиди. Биз, ёшларнинг бурчимиз эл-юртимизнинг ғамхўрлиги ва эътиборига ҳар томонлама муносиб бўлишдан, Ватанимизнинг фаол, фидойи ва садоқатли фарзандлари бўлиб вояга етишдан иборат, деб ҳисоблайман.

Ҳа, мустақиллик йилларида мамлакатимизда истеъдодли, иродали, ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган янги авлод вояга етмоқда. Ёшлар ўзларига билдирилаётган ишонч ва ғамхўрликни теран ҳис қилган ҳолда, халқимиз навқирон авлодга катта умид боғлаётганини яхши англайди. Улар бу ишончни аъло ўқиш, илмий-ижодий муваффақиятлар, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти ва Ватанимизнинг ёруғ истиқболи йўлидаги фидокорона меҳнат билан оқлашга интилмоқда.

**Ғулом МИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ доно бўлур.

# МАШРИҚЗАМИН – ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

**Олса зар хизмат учун аҳли**
**сипаҳ бергайюш,**
**Зар гар олмас эса, кетгай**
**олиб ҳар сорию.ош.**

* * *

**Неча йил бу байт фикрида эдим –**
**Ким, ўқур эрди они бир филбон:**
**Мўрни кўрсанг оёқинг остида,**
**Фил оёқида ўзинг қилғил гумон.**

* * *

**Ҳазар қил оҳидин дарвешларнинг,**
**Ёнар бир учқунидин жумла олам.**

* * *

**Вафо йўқ эрдиму оламда ҳаргиз**
**Ва ёхуд қилмади аҳли замона.**
**Ки ҳар ким отмоқ ўқ ўрганди мендин**
**Мани ул оқибат қилди нишона.**

* * *

**Бу неъматким, қўлунгла ер тутубдур,**
**Яқин билким, неча қўлдин ўтубдур.**

* * *

**Гар адув ўлса, анго бўлмасмен**
**асло шодон –**
**Ким, ўзим доғи жаҳонда**
**қолмағумдур жовдон.**

* * *

**Кўполса эрди донолик била нон,**
**Топа олмас эди бир луқма нодон.**
**Етар нодонга андоқ ризқ ҳар дам –**
**Ки, донолар анго ҳайрон бўлур ҳам.**

* * *

**Сен агар яхши бўлуб,**
**олам сени деса ёмон,**
**Яхшидур бўлсанг ямону**
**эл сени яхши дегой.**

* * *

**Бўлмаса дунё – бўлурмиз дардманд,**
**Бўлса – меҳриға бўлурмиз пойбанд.**
**Бу жаҳондин, кўр, ямонроқ йўқ бало,**
**Бўлса-ю-бўлмаса тортамиз ано.**

* * *

**Кимки зоҳиддур, анга ҳожат**
**эмас дунёюзар,**
**Зоҳид эрмас ҳар кишиким,**
**қилса дунёга назар.**

* * *

**Элға дунёдин берурлар биймлар,**
**Ўзлари доим йиғарлар сиймлар.**
**Чун амал қилмас эса олим агар**
**Ўз сўзиға, айлағай кимга асар?**
**Олим улдурким, асар қилғай сўзи,**
**Демағай ул сўзниким, қилмас ўзи.**
**Қайси олимким, баданпарвар бўлур,**
**Ўзи гумраҳдур, нечук раҳбар бўлур.**

* * *

**Эйки, кўнглунгда йўқдурур тақво,**
**Бермагил сувратингға ҳам оро.**
**Токи остингда бўрё бордур,**
**Балки кўнглинг аро риё бордур.**

* * *

**Сабр йўқ ҳар кишида ҳикмат йўқ.**

* * *

**Қилурман кўҳна хирқамга қаноат**
**Вале чекмон кишидин бори миннат.**

* * *

**Билким, тирик юрмакдурур**
**луқма емакликдин мурод,**
**Сан жаҳлу ғафлатдин**
**мунинг аксиға қилдинг эътқод.**

* * *

**Кишиға кам емак бўлса табиат,**
**Қотиғлиқ келса, бўлғай анга осон.**
**Ва гар худ кўб ебон танпарвар ўлса,**
**Туза олмой қотиғлиқға, берур жон.**

* * *

**Ема кўп, ўйлаким, бўғзингға етгай,**
**Егил оз, ўйлаким, жон роҳат этгай.**
**Қоринни ул сифат тўйдурма ҳар тун –**
**Ки, келтургай мусибат топмоғон кун.**

* * *

**Ноним афзун бўлди, аммо**
**обрўйим бўлди кам,**
**Бенаволиғ яхши кўргандин**
**тамаънинг зиллатин.**

* * *

**Бори инсону ҳайвону**
**жамики жонварларининг**
**Камоли бенаволиғдин**
**фалакка чиқти афғони.**

**ОГАҲИЙ таржималари**
**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

# БЕМОРЛАР ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛИБ...

**САЛОМАТЛИК ИНСОН ЗИЙНАТИ ҲИСОБЛАНАДИ. НЕГАКИ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ ИНСОН МАЪНАН ҲАМ, РУҲАН ҲАМ ТЕТИК ВА БАРДАМ БЎЛАДИ. АЛБАТТА, БУ БОРАДА ШИФОКОРЛАРИМИЗНИНГ ФАОЛИЯТЛАРИ ТАҲСИНГА САЗОВОРДИР.**

—Инсонлар соғлиғини муҳофаза қилиш, яхшилаш, уларни ҳар қандай касалликлардан ҳимоялаш биз шифокорлар олдидаги энг масъулиятли ишдир, — дейди биз билан суҳбатда ёш, иқтидорли шифокор Рустамжон Ризаматов.—Ҳар қандай шифокор доимо ўз ишига меҳр билан ёндашади, беморнинг дардини аритиш, уни оғриқлардан халос қилиш учун бор билим ва маҳоратини ишга солади. Қачонки бемор ўзини енгил ҳис этса, касалликдан фориғ бўлса шифокор ҳам ўз ишидан қониқиш ҳосил қилади. Мен ёшлигимдан шифокор бўлишни орзу қилганман. Орзуларим ва режаларим талайгина, аммо улар замирида биргина мақсад — яъни инсон саломатлиги туради. Агар озми-кўпми одамларга нафим тегаётган экан ўзимни жудаям бахтиёр ҳисоблайман. Ҳали кўп изланишим, ўрганишим, мутоала қилишим кераклигини биламан. Бу ишда менга устозим профессор Шахоб ака Ҳамроев яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ҳа, инсон камолга етиши, улкан чўққиларни эгаллаши учун унга албатта яқинларининг, устозларининг ёрдами ва кўмаги керак бўлади.

Рустам Ризаметов Тошкент Тиббиёт Академияси (собиқ Тошкент Давлат тиббиёт институти)нинг даволаш факультетини муваффақиятли тугаллаганидан сўнг илк фаолиятини Тиббиёт академиясининг травматология қабул бўлимида бошлади. Шунингдек, у 2001-2003 йилларда травматология мутахассислиги бўйича клиник ординатурада ҳам таҳсил олди. Бугунги кунда Рустамжон номзодлик диссертациясини ёқлаш арафасида турибди.

Бугунги кунда ўз устида тинимсиз ишлайдиган иқтидорли шифокорларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки улар оппоқ халатларига доғ туширмасдан Гиппократ қасамига содиқ ҳолда виждонан ишламоқдалар. Рустамжон Ризаметовнинг ҳам келажакда янада юксак чўққиларни эгаллашига ишонамиз. Чунки у наинки ўз устида доимо ишлайди балки эзгулик сари интилаверади, меҳнат ва изланишдан чарчамайди.

— Мен ҳар бир қилаётган ишимни қаттиқ назорат остига оламан, шифокорлик шаънини муқаддас деб биламан, бундан ташқари ҳар бир ишда ҳамфикр, ҳамкор, маслаҳатчим бўлган дадажонимнинг тийрак нигоҳларини сезиб, ҳис қилиб тураман, гўё улар мени доимо кузатиб тургандек бўлаверади,— дея таъкидлаб қўйди у сўзининг охирида.



Дарҳақиқат, Рустамжоннинг дадаси полковник Рўзмат ака ҳарбий шифокор, улар жуда кўп йиллар давомида Ватанимиз посбонлари бўлган ҳарбийларни даволаб келганлар. Бугунги кунда эса фарзандлари, невaралари даврасида кексалик гаштини сурмоқдалар.

Ҳа, шифокорликка бўлган меҳр Рустамжонга асли дадасидан ўтган. Сулола ишини давом эттираётган, инсонлар дардини аритишда толмай меҳр билан ишлаётган, устозларининг меҳнатларини қадрлаётган Рустамжон Ризаметовнинг кейинги шифокорлик ишларида омадлар тилаб қоламиз.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: ёш иқтидорли шифокор Рустамжон Ризаметов иш устида.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**

***РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ***



Цирк чипталарини тарқатиш ва сотиш бўйича туман кассирларини

**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

144-35-09, 144-37-31 телефонлари орқали мурожаат қилинг.

Соат 9.00 дан 17.30 гача қўнғироқ қилишингиз мумкин.

